

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Шеробод туманида тадбир бўлиб ўтди.



Унда туман ҳокимлиги, туман прокуратураси вакиллар, шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда туман ҳокими У. Алимов сўзга чиқиб, барчани байрам билан қутлади. Тадбир давомида янгиланган конституциямизнинг моддалардан намуналар келтирилди, шунга оид сахна кўринишлари намоиш этилди. Ижро этилган гўзал куй ва қўшиқлар эса барчага аъло кайфият улашди.